



ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Турабов Сарвар Абдумаликович,

Тошкент молия институти Молия кафедраси в.б доцент, PhD.

Email : turabovsarvar5@gmail.com

Orcid: 0009-0005-6133-0008

Алтиев Қахрамон Саидович,

Тошкент молия институти Кенгаш котиби, PhD.

Email : qahramonbek1986@gmail.com

Orcid: 0009-0001-6440-0607

EFFECTIVE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT BASED ON FOREIGN EXPERIENCE

Turabov Sarvar Abdumalikovich,

Tashkent Financial Institute PhD., acting associate professor, Department of Finance.

Email: turabovsarvar5@gmail.com

Orcid: 0009-0005-6133-0008

Altiev Qahramon Saidovich,

Secretary of the Council of the Tashkent Financial Institute, Ph.D

Orcid: 0009-0001-6440-0607

JELClassification: H5,H57

Аннотация: Мазкур мақолада давлат харидларини ташкил этиши бўйича халқаро тажрибани ўрганиш мамлакатимизда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, соҳада янги инновацион шакл ва усулларни тадқиқ этиши, давлат харидларини амалга оширишининг халқаро амалиётида маълум хусусиятларга эга қатор ривожланиш йўналишлари шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Европа, Осиё, Англо-саксон, Скандинавия, Африка ва Латин Америка йўналишлари ҳамда татбиқ этиши масалалари кўриб чиқилган.

Abstract: In this article, we can see that a number of development directions with certain characteristics have been formed in the international practice of public procurement, studying the international experience of public procurement organization, improving the public

procurement system in our country, researching new innovative forms and methods in the field. In particular, European, Asian, Anglo-Saxon, Scandinavian, African and Latin American directions and implementation issues were considered.

Калит сўзлар: давлат хариди, ривожланган мамлакатлар давлат хариди, давлат буюртмачиси, давлат харидларининг тарихи.

Keywords: public procurement, public procurement of developed countries, public customer, history of public procurement.

Кириш. Давлат харидларини ташкил этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш мамлакатимизда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, соҳада янги инновацион шакл ва

усулларни тадқиқ этиш имкониятини беради.

Ўрганишлар натижаларига кўра, давлат харидларини амалга оширишнинг халқаро амалиётида маълум хусусиятларга эга қатор ривожланиш йўналишлари шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Европа, Осиё, Англо-саксон, Скандинавия, Африка ва Лотин Америка йўналишлари. Европа Иттифоқи мамлакатларидан Германияда давлат харидлари бўйича шартномаларни тузиш мақсадида ўтказиладиган танловлар жараёнида давлат ва хусусий сектор учун бир хил шарт-шароит ва талаблар ҳамда бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланганлиги билан ажралиб туради. Давлат харидлари жараёнида манфаатлар тўқнашуви ёки низолар юзага келганда фуқаролик ҳуқуқи асосида ҳал этилади. Япония давлат харидлари тизимининг ўзига хос хусусияти йирик компания ва корпорацияларнинг давлат харидларига оид қонунчиликка ихтиёрий равишда риоя қилишидир. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат харидларига оид қонунчилик давлат харидларида иштирок этадиган субъектларга нисбатан жорий этилган бўлсада, шаклланган анъанага кўра мазкур муносабатларда иштирок этмайдиган хусусий сектор субъектлари томонидан ҳам риоя этилишларини кўришимиз мумкин.

Материал ва метод. Давлат харидларини режалаштириш, ташкил этиш ва амалга оширишнинг Европа

йўналиши Жаҳон савдо ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилигига асосланади. Европада шаклланган давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тизимига хос бўлган икки жиҳатни қайд этишимиз мумкин:

- марказлашмаган давлат харидлари тизими;
- марказлашган давлат харидлари тизими.

Марказлашмаган давлат харидлари тизимида ҳар бир алоҳида давлат тузилмаси (вазирлик, кўмита ва идора) мустақил равишда ўзларининг эҳтиёжларини таъминлайди. Айрим ҳолатларда шу мақсадни амалга ошириш учун давлат тузилмалари ҳузурида алоҳида фукционал фаолият юритувчи хўжалик субъектлари ташкил этилади.

Марказлашган давлат харидларини амалга ошириш жараёнида давлат аппарати ва коммунал хўжалиги эҳтиёжларини таъминлаш учун ягона давлат харидлари маркази ташкил этилган. Марказнинг вазифаси давлат тузилмалари томонидан берилган буюртмаларни ўрганиб чиқиш ва ижросини таъминлашдан иборат [1].

Европа Иттифоқи мамлакатлари учун умумий бўлган харид жараёнларини ўтказиш шакллари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- конкурс (очиқ ёки ёпик, бир ёки икки босқичли);

Давлат харидларини амалга оширишнинг жаҳон амалиётида шаклланган йўналишлари¹

№	Давлат харидларини ташкил этиш йўналишлари	Давлат харидлари тизимининг асосий хусусиятлари	Давлат харидларини амалга ошириш шакллари
---	--	---	---

1	Европа	ЖСТ ва БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилигига асосланиши, марказлашмаган ва марказлашган шаклда амалга оширилиши, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга преференциялар берилиши, танлов натижаларида нарх сиёсати, атроф муҳитга таъсир этиши, муҳим сифат кўрсаткичларига жавоб бериши ҳисобга олинishi, ягона электрон ахборот тизими мавжудлиги ва бошқалар	конкурс (очиқ ёки ёпиқ, бир ёки икки босқичли); таклифлар сўраб олиш; ягона манбадан харидни амалга ошириш
2	Осиё	Давлат хариди жараёнлари юқори рақамлаштириш суръатларига эгаллиги, замонавий технологиялар татбиқ этилганлиги, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга преференциялар берилиши, қонунга риоя этиш даражасининг юқорилиги, ягона давлат харидлари сайти ташкил этилганлиги ва бошқалар	конкурс савдолари, чекланган танлов савдолари, ихтиёрий келишувлар, ягона пудратчи билан шартнома тузиш
3	Англо-саксон	Кучли қонунчилик базасига эга эканлиги, давлат харидларини амалга ошириш бўйича махсус давлат органи ташкил этилганлиги, давлат харидлари тўғрисидаги маълумот Интернет тизими орқали Ягона порталда жойлаштирилиши, давлат харидлари бўйича тузилган шартномаларнинг марказлаштирилган реестри юритилиши	конкурс, электрон дўкон, тендер, тўғридан-тўғри харид қилиш
4	Скандинавия	Европа тамойилларига асосланиши, марказлашмаган давлат харидлар тизими шаклланиши, ҳар бир давлат органи ва ташкилоти мустақил равишда давлат харидларини амалга ошириши	очиқ танловлар, ёпиқ танловлар, рақобат музокаралари, рақобатли суҳбат
5	Африка ва Лотин Америка	Замонавий давлат харидлари тизимини шаклланиш жараёнида эканлигини, давлат харидларида чеклов ёки преференциялар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳам қўлланилиши, давлат харидлари тизими марказлашмаганлиги, ягона тартиб ва қоидалар ўрнатилмаганлиги, давлат харидлари иштирокчиларини баҳолаш ва танловга киритиш мезонлари ишлаб чиқилмаганлиги, айрим ҳолатларда танловда қатнашиш учун тўлов амалга оширилиши	очиқ танловлар, ижтимоий танловлар, оммавий танловлар, хусусий танловлар, тўғридан-тўғри харид қилиш

- таклифлар сўраб олиш;
- ягона манбадан харидни амалга ошириш.

Европа стандартларига кўра давлат харидлари предмети сифатида маҳсулот, хизмат ёки иш бўлиши мумкин. Бунда маҳсулот таркибига: озиқ овқат-

маҳсулотлари, товарлар, хом-ашё ресурслари, техника, электр энергияси, асбоблар ва бошқалар киради [2]. Хизматлар таркибига: шахсий ва ижтимоий истеъмолни таъминлаш билан боғлиқ хизматлар киради. Ишлар таркибида эса асосан қурилиш, қайта тиклаш, шунингдек, геодезия, монтаж ва бошқа соҳалар киритилади.

Давлат харидларининг Европа йўналишига хос бўлган яна бир жиҳат маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга преференцияларнинг берилиши. Давлат харидларида имкон қадар кўпроқ тадбиркорлик субъектларини камраб олиниши ҳамда очиклик ва ошкоралик тамойилини таъминлаш мақсадида давлат харидлари тўғрисидаги ахборот Европа Иттифоқи учун расмий ҳисобланган Ягона электрон ахборот тизимида, зарур бўлган барча тилларда батафсил берилади.

Европа Иттифоқи мамлакатларидан Германияда давлат харидлари бўйича шартномаларни тузиш мақсадида ўтказиладиган танловлар жараёнида давлат ва хусусий сектор учун бир хил шарт-шароит ва талаблар ҳамда бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланганлиги билан ажралиб туради. Давлат харидлари жараёнида манфаатлар тўқнашуви ёки низолар юзага келганда фуқаролик ҳуқуқи асосида ҳал этилади. Шунингдек, Германияда давлат харидларининг танлов натижалари бўйича қарорни чиқаришда иқтисодий устуворликлар, нафақат тақдим этилаётган товар ва хизматларнинг нарх сиёсати қаратилади, балки атроф-муҳитга таъсир этиши, товарлар учун муҳим бўлган сифат кўрсаткичларига жавоб бериши ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Давлат харидларини ташкил этишнинг Осиё йўналишида ҳам

маҳаллий товар, иш ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларига преференциялар бериш кузатилади. Масалан, Хитой жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлгандан сўнг, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чоралари сифатида бундай ёндашувни мажбурий этиб белгилаган. Лекин шу билан бирга маҳаллий корхона ва ташкилотлар давлат харидларини ижросини таъминлашда шу турдаги импорт товар ва хизматларга нисбатан нархни 20 фоиздан ортиқ оширишга ҳақли эмас.

Хитойда давлат харидларини тартибга солиш мақсадида 2002 йилда "Давлат харидлари тўғрисида"ги ва "Харидлар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинган бўлиб, уларда давлат харидлари тизими тартиб-таомили, марказлашган тарзда харид қилинадиган товар, иш ва хизматлар, қурилиш соҳасида харидлар ўтказиш хусусиятлари белгилаб берилган. Давлат харидларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида давлат харидлари тўғрисидаги маълумот Ягона давлат харидлари сайтида жойлаштирилади. Хитойда давлат харидлари асосан уч хил шаклда амалга оширилади:

- оммавий савдолар;
- танланган савдолар;
- ягона манбадан харид қилиш.

Оммавий савдолар давлат буюртмачиси томонидан давлат рўйхатидан ўтган оммавий ахборот воситалари ва Ягона давлат харидлари сайтида ахборотни жойлаштириш орқали амалга оширилади. Ушбу савдоларга барча тадбиркорлик субъектлари таклиф этилади.

Танланган савдоларда давлат буюртмачиси режалаштирган харидлари тўғрисидаги маълумотни оммавий эълон қилмасдан, аниқ таркибдаги потенциал ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчиларга

танловда қатнашиш учун таклиф юбориш орқали амалга оширилади.

Ягона манбадан давлат харидини амалга ошириш давлат харидлари тўғрисидаги қонунда белгиланган ҳолатларда амалга оширилади.

Япониядан бошқа ривожланган мамлакатлар каби давлат харидларини амалга оширишнинг қуйидаги шаклларида фойдаланилади:

- белгиланган танлов савдолари. Бунда чекланган доирадаги танланган ишлаб чиқарувчилар қатнашиб, савдо ёпиқ тарзда ўтказилади.

- ихтиёрий келишув. Бунда ягона пудратчи билан шартнома тузилади ва давлат хариди амалга оширилади;

- умумий конкурс савдолари. Ушбу савдолар бўйича маълумотлар барча тадбиркорлик субъектлари эътиборига етказилади, очиқ шаклда ўтказилиб, хоҳиш билдирган барча ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

Япония давлат харидлари тизимининг ўзига хос хусусияти йирик компания ва корпорацияларнинг давлат харидларига оид қонунчиликка ихтиёрий равишда риоя қилишидир. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат харидларига оид қонунчилик давлат харидларида иштирок этадиган субъектларга нисбатан жорий этилган бўлсада, шаклланган анъанага кўра мазкур муносабатларда иштирок этмайдиган хусусий сектор субъектлари томонидан ҳам риоя этилади.

1994 йилда Жанубий Корея жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлганидан сўнг, давлат харидлари соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни қайта шакллантирди. Бунда "Давлат харидлари тўғрисида"ги ва "Маҳаллий харидлар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинган. Давлат

харидларига оид қонунчилик муносабатларини икки даражага ажратилиниши фақат Жанубий Кореяга хос бўлган жиҳат эканлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Давлат харидларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу юқори рақамлаштириш суръатларига эга эканлиги ва замонавий технологияларни татбиқ этилганлигидир. Масалан, давлат харидларининг КОНЕПС ахборот тизими орқали харидлар тўғрисидаги маълумотларга киришга рухсат фақат бармоқ изи асосида тақдим этилади, ўз навбатида ушбу ҳолат фойдаланувчиларни максимал даражада идентификация ва аудентификация қилиш имкониятини яратади.

Давлат харидларини ташкил этишнинг англо-саксон йўналиши АҚШда юзага келган бўлиб, халқаро давлат харидлари бўйича қонунчилик ривожланиши учун пойдевор ҳисобланган.

АҚШда давлат харидлари тизимини тартибга солиш мақсадида алоҳида давлат органи Федерал контракт тизими ташкил этилган. Федерал контракт тизимининг асосий вазифаси давлат харидларини режалаштириш, жойлаштириш ва ижро этиш юзасидан давлат сиёсатини юритиш бўлиб ҳисобланади. Ушбу давлат органи билан бирга Умумий хизматлар бошқармаси ҳам ташкил этилган. Бошқарма АҚШ давлат тузилмалари томонидан федерал эҳтиёжлар учун товар, иш ва хизматларни харид қилиш жараёнида воситачи бўлиб ҳисобланади. АҚШда давлат харидлари тўғрисидаги маълумот Интернет тизими орқали Ягона порталда жойлаштирилади. Давлат харидлари бўйича танловларда иштирок этиш учун тадбиркорлик субъектлари албатта давлат буюртмачилари тизимида рўйхатдан ўтиши лозим. Давлат харидлари бўйича



тузилган барча шартномаларнинг марказлаштирилган реестри юритилади.

Давлат харидларини ташкил этишнинг скандинавия йўналиши асосан Европа тамойилларига асосланади. Швецияда марказлашмаган давлат харидлари тизими шаклланган бўлиб, бунда ҳар бир давлат органи ва ҳар бир давлат ташкилоти мустақил равишда давлат харидларини амалга оширади. Ушбу жараёнда давлатнинг иштироки харид қилиш бўйича нархнинг қўйи ва юқори чегарасини белгилаш билан кифояланади.

Кичик ҳажмдаги харидларга нисбатан танлов жараёнида шаффофлик ва очиқлик тамойилларига риоя этилиб, шартнома тузиш, эътироз билдириш ва низоларни ҳал этиш бўйича ҳуқуқлардан фойдаланишда барча иштирокчилар учун тенг имкониятлар берилади.

Шу билан бирга, мураккаб технологик маҳсулотларни тайёрлаш ва етказиб бериш жараёнида шартномада ғолиб бўлган пудратчи розилиги асосида шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи бошқа субъектлардан тижорат таклифлари олиниб, ўрганилади.

Норвегия давлат харидлари жараёнларини тартибга солувчи қатъий қонунчилик жорий этилганлиги билан тавсифланади. Қонунчилик ҳужжатларида давлат харидларини амалга ошириш шакли, буюртмаларни бекор қилиш қоидалари, конкурс жараёнларидан иштирокчиларни четлаштириш тартиби, танлов натижасига кўра тузилган шартномаларга тузатиш киритиш қоидалари батафсил келтирилган. Норвегияда давлат харидларини ўтказишнинг қўйидаги шакллари амал қилади:

- очиқ танловлар. Барча қизиққан шахслар учун танлов савдоларида

иштирок этишга руҳсат этилади;

- ёпиқ танловлар. Бунда малака талабларидан ўтган барча қизиққан шахслар танлов савдоларида иштирок этишга руҳсат этилади;

- рақобат музокаралари. Бунда давлат буюртмачиси ва потенциал етказиб берувчи ўртасида музокаралар ўтказиш орқали давлат харидларини шартлари ва ижроси аниқлаштирилади;

- рақобатли суҳбат. Бунда танлов жараёнларига харид талаблари юзасидан давлат буюртмачиси суҳбатидан ўтган шахслар иштирок этади.

Давлат харидлари бўйича тижорат таклифларини тақдим этишда барча ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига эътибор қаратилади.

Африка ва Лотин америкаси мамлакатларининг аксариятида замонавий давлат харидлари тизимини шаклланиш жараёнида эканлигини кўришимиз мумкин. Африка давлатларининг кўпчилигида давлат харидларида чеклов ўрнатиш ёки преференциялар бериш тартиби нафақат хорижий иштирокчиларга нисбатан, балки маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳам қўлланилади. Ушбу ҳолат барча иштирокчилар учун давлат харидларида тенг шароитларни яратади, адолат ва самарадорликни таъминлайди.

Жанубий Африкада давлат харидлари тизими марказлашмаган бўлиб, ягона тартиб ва қоидалар ўрнатилмаган, давлат харидлари иштирокчиларини баҳолаш ва танловга киритиш мезонлари ишлаб чиқилмаган, натижада давлат харидларида иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари учун қийинчиликлар юзага келади.

Аргентина давлат харидлари

тизимининг ўзига хос жиҳати қонун даражасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга давлат харидларида устуворлик берилмаганлигидир. Аргентинада давлат харидлари марказлашган Миллий харидлар бошқармаси томонидан электрон шаклда амалга оширилади. Бошқа мамлакатлар каби Аргентинада ҳам давлат харидларини ўтказишнинг бир қанча шакллари мавжуд:

- очиқ танловлар;
- ижтимоий танловлар;
- оммавий танловлар;
- хусусий танловлар (5 тагача потенциал иштирокчига танловда қатнашишга рухсат берилади);
- тўғридан-тўғри харид қилиш.

Давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, танлов ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун корхона ва

ташкilotлар тегишли тўловни амалга ошириши лозим.

Юқоридагиларга кўра жаҳон амалиётида давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тизимларида шаклланган йўналишларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг қуйидаги асосий шакллари кўрсатишимиз мумкин:

- чекланмаган доирадаги иштирокчилар асосида харидлар танлови;
- чекланган доирадаги иштирокчилар асосида харидлар танлови;
- ягона буюртмачидан харид қилиш.

Хорижий мамлакатларнинг ривожланганлик даражасини бюджет маблағларидан юқори даражада самарали фойдаланиш ва давлат харидлари соҳасида катта амалий тажрибанинг мавжудлиги билан тавсифлаш мумкин.

Айрим ривожланган мамлакатларда давлат харидларини амалга ошириш тартиблари [3]

Мамлакатлар	Ўзига хос тартиб таомиллар	
АҚШ	АҚШда федерал давлат харидларини тартибга солувчи биринчи қонун 1972 йилда қабул қилинган. Бугунги кунда давлат харидлари қатор қонун ва қонуности ҳужжатларни ўз ичига олувчи "Федерал эҳтиёжлар учун харидлар тартиби" (FAR) қонунлар мажмуига асосланади. Унда давлат харидини амалга ошириш жараёни, қўйилган талаблар батафсил босқичма босқич белгиланган. Мазкур соҳани тартибга солиш ва назорат қилиш Харид қилиш сиёсати бўйича федерал бошқарма томонидан амалга оширилади. Ҳар бир штат ушбу умумий қоидалардан четга чиқмаган ҳолда ўз қонунчилигини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга, штатларнинг давлат харидларига оид қонунчилиги фарқланади. 1921 йилда Федерал контрактлар тизими ташкил этилган бўлиб, давлат харидлари ушбу тизим орқали амалга оширилади. Унда давлат харидлари иккига ажратилган давлат дастурлари ҳамда давлат апаратыни сақлаш учун	25000 АҚШ долларидан юқори бўладиган харидлар Федерал давлат харидлари марказий ахборот базасига киритилиши шарт

	<p>материаллар ва хизматларни харид қилиш. Биринчи йўналишда давлат харидлари дастур ижрочилари томонидан амалга оширилса, иккинчи йўналишда харидлар марказлашган ҳолда Умумий хизматлар администрацияси томонидан амалга оширилади. Ҳар бир давлат органи алоҳида харид қилганига кўра, бу тартиб ҳисобига харажатлар тежаллади</p>	
Буюк британия	<p>Буюк британияда давлат харидлари “Харид конкурслари бўйича тавсиялар” асосида амалга оширилади. Ушбу муносабатларни Ғазначилик ҳузуридаги “Харидлар бўйича марказий ташкилот” тартибга солади. Ҳукуматда харидлар стратегияси бўлими ташкил этилган</p>	<p>Харидларни амалга ошириш учун алоҳида шартномалар портали ташкил этилган</p>
Германия	<p>Давлат буюртмачилари ҳам хусусий сектор буюртмачиларига қўйилган талаблар асосида харидларни амалга оширади. Улар каби ўз эҳтиёжлари тўғрисида бозор иштирокчиларини хабардор қилади, бозорни кузатиб боради, товарлар (хизматлар) харидлари бўйича конкурслар эълон қилиб боради. Давлат харидлари бўйича алоҳида қонун йўқ, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилади. Давлат харидларини асосий қисми очиқ конкурс ва тендерлар орқали амалга оширилади. Харидлар антимонопол қонунчилиқка асосланади.</p>	<p>Давлат харидлари “Кунлик электрон тендер” электрон маълумотлар базасида мажбурий эълон қилинади</p>
Франция	<p>Францияда давлат харидларини амалга ошириш тизими давлат харажатларини амалга оширишни барча босқичларида (қарор қабул қилиш, харажатлар сметаси ҳисоби, бюджет анализи, ҳужжатларни визалаш, шартномаларни тўлаш ва бошқ.) назорат қилиш кўзда тутилган. Францияда махсус комиссиялар тузилиб, шартномаларни тўғри тузилганлиги танлама йўл билан текширилади. Ҳар бир давлат органи давлат хариди бўйича ўз бўлинмасини ташкил этади</p>	<p>Алоҳида электрон портал ташкил этилган</p>
Австралия	<p>Австралияда давлат харидларини тартибга солувчи алоҳида қонунчилик мавжуд эмас. Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар асосида умумий тартибда амалга оширилади. Штатларга давлат харидларини амалга ошириш бўйича мустақиллик берилган. Ушбу соҳа Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан амалга оширилади</p>	<p>Алоҳида электрон портал ташкил этилган</p>
Жанубий Корея	<p>Жанубий Кореяда давлат харидларининг ошқоралиги 2000 йилларининг бошида миллий харид тизими жорий этилганидан сўнг бошланган.</p>	<p>Алоҳида KONEPS номли</p>

	<p>2002 йилда Жанубий Кореянинг давлат харидлари хизмати (Public Procurement Service) ва марказий ташкилот агентлиги KONEPSнинг тўлиқ интеграциялашган электрон харид тизимини ишга туширди. Бу тизим барча харид жараёнини электрон тарзда (тендерда иштирокчиларини бир вақтда рўйхатдан ўтказилиши, шартномалар ва тўловларни) ва ҳужжатлар алмашинувини онлайн тарзда амалга оширилади. Барча зарурий маълумотларни олиш, кенг қамровли хизматлар кўрсатиш, маълумотларни автоматик тарзда тўплаш, шунингдек тендер иштирокчиларининг малакаси, етказиб бериш ва тўловларни электрон тарзда амалга ошириш учун 140 дан ортиқ ташқи тизимларга уланади ва керакли маълумотларни етказиб беради. Бундан ташқари тизим керакли маълумотларни реал вақт оралиғида олиш имконини беради</p>	<p>электрон портал ташкил этилган</p>
--	--	---------------------------------------

Натижалар: Давлат харидларини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, давлат харидларини ташкил этишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда уларни Ўзбекистонда жорий этиш масалалари тадқиқ этиш натижаларига кўра қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

давлат харидларини амалга оширишнинг халқаро амалиётини ўрганиш натижаларига кўра маълум хусусиятларга эга қатор ривожланиш анъаналари шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Европа, Осиё, англо-саксон, скандинавия, Африка ва Лотин Америка йўналишлари. Мазкур йўналишларни таҳлил этиш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг барча учун умумий бўлган қуйидаги асосий шакллари ажратишимиз мумкин: чекланмаган ва чекланган доирадаги иштирокчилар асосида харидлар танлови; ягона буюртмачидан харид қилиш;

барча мамлакатлар давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга преференцияларнинг

берилиши, танлов савдоларига хорижий тадбиркорлик субъектларини иштирокининг чекланиши, товар ва хизматларнинг нарх сиёсати, товарлар учун муҳим бўлган сифат кўрсаткичларига жавоб бериши каби жиҳатлар мавжуд;

замонавий харидлар тизимини ривожлантиришда жараёни тўлиқ рақамлаштириш, замонавий технологияларни татбиқ этиш, мустаҳкам қонунчилик базасини шакллантириш, инсон омилини камайтириш, коррупцияни олдини олишга устуворлик берилмоқда;

мамлакатимизда солиқ тўловчилар ҳисобига шаклланаётган давлат бюджети даромадларини оқилона ва тежамкорлик билан сарфлаш мақсадида давлат буюртмачиларининг харидларини амалга ошириш жараёнидаги молиявий муносабатларни самарали ва шаффоф ташкил этиш, давлат харидлари соҳасида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш масалаларини ўрганиш ҳамда амалдаги давлат харид тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ тавсия



ва таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса. Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат харидларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда шакллантирилаётган давлат харидлари механизмини амалга оширишда бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, АҚШ, Япония, Канада, Германия, Буюк британия, Франция ҳамда Европа Иттифоқига аъзо бошқа мамлакатлар давлат харидларини ривожлантириш амалиётини ўрганиш ва уларнинг ижобий тажрибаларидан мамлакатимизда давлат харидлари тизимини такомиллаштиришда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан чуқур тадқиқ этилган ва таҳлил қилинган, бизнинг иқтисодийтимизга мос келадиган

муқобил хорижий тажрибаларни қўллашимиз зарур.

Жаҳон амалиётида давлат харидларини амалга оширишнинг икки босқичли электрон савдоларни ташкил этиш тажрибаси эътиборга молик. Биринчи босқичда талабгорларни харидни амалга ошириш лаёқати, малакаси, молиявий ҳолати каби кўрсаткичлари ўрганилади, ўрганиш натижаларига кўра кейинги босқичга ўтказилади. Иккинчи босқичда электрон савдоларда арзон ва қулай шартларни таклиф қилган талабгор аниқланади, сўнгра унинг билан электрон шаклда шартнома тузилади. Давлат харидини амалга оширишнинг ушбу шакли танловда лаёқати, малакаси, молиявий ҳолати тўғри келмайдиган, товар, иш ёки хизматни етказиш имконияти бўлмаса-да танловда иштирок этадиган ва келгусида давлат буюртмачисига муаммо туғдирадиган «виждонсиз» субъектлар иштирокини чеклайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://elibrary.ru/project_riss.aps сайт маълумотлари асосида шакллантирилган.
2. Иқтисодий адабиётларни ўрганиш жараёнида олинган маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-684- сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни.
4. Давлетшина Л.М. Государственный заказ как инструмент проведения промышленной политики (на примере Республики Татарстан): Дисс. канд. экон. наук. Казань, 2007. С. 47.
5. Гладков В.С. Государственный заказ в сферы Ростов-на-Дону, 2008. С. 14.
6. И.Г.Акперов и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации: Учебное пособие. / М.: КНОРУС, 2009.
7. Ноздрачев А.Ф. Государство как заказчик продукции // Государство и право. 1994. № 7.
8. Андреева Л.В. Закупки товаров для федеральных государственных нужд: правовое регулирование. М.: Волтерс Клувер, 2009. С. 24.
9. Набиев Р.А., Арикбаев Р.К. Повышение эффективности бюджетных расходов системы государственных заказов и закупок // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 2008. № 15.
10. Афанасьев М.П. Бюджет и бюджетная система М.: Юрайт, 11.2011. 782 с.



12.

Бурхонов У. Давлат хариди: Ўқув қўлланма. - Т.: infocom.uz, 2010.

13. Бурханов У., Атамурадов Т. Давлат хариди: Ўқув қўлланма. –Т.: Фан ва технология, 2012 йил. -152 б.

14. Вахабов А.В., Маликов.Т.С Молия: Умумдавлат молияси: Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2010. 595 б.

15. Вахабов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. Т.: Ношир, 2011.